

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

524 Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори (рўйхат рақами 1500, 2005 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 30-31-сон, 238-модда) билан тасдиқланган Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 5 октябрь,
2015-31-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил
5 октябрдаги 2015-31-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик
субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий
тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича
ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни
қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги
низомига киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошиси «муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари ҳисоботларни телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.».

3. 13-банднинг учинчи хатбошиси «имзоларининг ва муҳрнинг» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.